Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 102 (3603)
ШАНБА
6 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Л. И. БРЕЖНЕВ В. ШЕЕЛЬ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

БОНН, 4 май. (ТАСС). Бугун ГФР президентининг саройи Хаммершмидтда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев федерал президент В. Шеель билан суҳбатлашди.

СССР билан ГФР ўртасидаги давлатлараро муносабатларга доир проблемалар юзасидан, ҳар иккала давлатни қизиқтирувчи халқаро сиёсат масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Л. И. Брежнев ва В. Шеель СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатига ва унинг ривожланиш истиқболларига, шу жумладан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ривожланиш истиқболларига юксак баҳо бердилар. Улар бу муносабатларнинг ривожланиши Европада сиёсий муҳитни нормаллаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деган фикрни ақдиллик билан билдирдилар. Ҳар икки томон шу ижобий жараённи янада ривожлантириш учун кўмаклашишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин, Ғарбий Германия томонидан — федерал канцлер ўринбосари ва ГФР ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, статс-секретарь, федерал президент маҳкамасининг раҳбари П. Франк, ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.-Г. Вик иштирок этдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ Г. ШМИДТ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

БОНН, 4 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун ГФРнинг федерал канцлери Г. Шмидт билан суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва федерал канцлер ўринбосари, ГФР ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер қатнашди.

СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир бир қанча муҳим масалалар батафсил муҳокама қилинди. Шу билан бирга ҳар икки томон, гарчи СССР билан ГФР ўртасида ҳозирча ҳал этилмаган проблемалар мавжуд бўлсада, улар ўртасидаги ҳамкорлик яхши истиқболга эга эканлигини таъкидладилар. Москва шартномаси ва тузилган бошқа шартномалар асосида бу муносабатларнинг кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тўшади, Европада тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш ишига ҳизмат килади. Келгуси ўн йиллар давомида ҳар иккала мамлакат ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришнинг сиёсий программасини эълон қилиш, XXI асрнинг бошигача ҳар икки томон учун фойдали иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ истиқболларини белгилаш ҳозирги вақтда СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг ривожида реал вазифа бўлиб қолди.

Суҳбат иштирокчилари бу вазифаларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ва томонларнинг биргаликда кучтайрат сарфлаши билан уларни ҳал этиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Суҳбат амалий руҳда ўтди. Фикрлашиб олиш давом эттирилади.

Суҳбатда: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин, ГФР томонидан—ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.-Г. Вик, федерал канцлер маҳкамасининг бўлим мудири Ю. Руфус иштирок этдилар.

* * *

5 май куни Гимних резиденциясида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФР федерал канцлери Гельмут Шмидт билан суҳбатлари давом эттирилди.

Ҳар икки томонни кизиктирувчи халкаро сиёсат масалалари, аввало, Умумевропа хавфсизлигига ва курролсизланишга, Европада кескинликни юмшатишга тааллукли масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Сиёсий соҳада кескинликнинг юмшатилишини ҳарбий соҳада кескинликни юмшатиш билан мустаҳкамлаш вазифаларининг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳар икки томон таъкидлаб ўтганидек, бу эса кескинликни юмшатиш учун энг окилона йўлдир. Совет Иттифоқи билан ГФРнинг кескинликни юмшатиш ва тинчлик сингари замонамизнинг ана шундай асосий масаласида тутган позициялари ўзаро мосдир.

Ялпи тинчлик ва хавфсизлик иши учун Хельсинки ахдномаларига риоя килиш зарурлигининг катта аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди.

Суҳбат чоғида СССР билан ГФР ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, кескинликни юмшатишни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан, Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янги формалар билан бойитишдан ўзаро манфаатдорлик изҳор этилди.

Суҳбат ошкоралик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин иштирок этдилар.

(ТАСС).

ОЛИЙ МЕҲМОН ШАРАФИГА

БОНН, 5 май. (ТАСС махсус мухбиридан). Германия Федератив Республикасининг президенти В. Шеель кеча кечкурун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев шарафига зиёфат берди.

Августусбург қасрида ўтган зиёфатда федерал канцлер Г. Шмидт, федерал канцлернинг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, федерал ҳукуматнинг бошқа аъзолари, бундестаг депутатлари, сиёсий партияларнинг таникли арбоблари, бир қанча ўлкаларнинг бош министрлари, Бонн обер-бургомистри, таниқли касаба союз арбоблари ва «ГФР — СССР» жамиятининг вакиллари бор эди.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР министрлари Н. С. Патоличев, Б. П. Бугаев ва Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

В. Шеель шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата нутк сўзлади.

В. ШЕЕЛЬ НУТҚИ

Раис жаноблари, Бош секретарь жаноблари, ҳурматли хонимлар ва жаноблар!


Раис жаноблари. Сизни ва Сизнинг хамрохларингизни Германия Федератив Республикасида самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Мен Сизни Боннда бир неча бор табриклаш билан мамнун бўлган эдим. Аммо бу — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи давлат бошлиғининг мамлакатимизга қилган биринчи визитидир. Мен бу вокеани тарихий аҳамиятга молик деб хисоблайман. Бунинг бонси шуки, тарихимизнинг нурафшон кунларида ҳам, оғир кунларида ҳам улуг мамлакатингиз билан муносабатларимиз ҳамиша ҳал килувчи ахамиятга эга бўлиб келди.

Хар икки давлатимиз 1970 йилда Москвада тузилган шартномада Европада ва бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни яхшилаш ва кенгайтириш нияти англаб олдик.

Биз ана шу хатарли ходисаларга ҳамкорликнинг узок муддатга мўлжалланган стратегияси ёрдами билангина барҳам бера оламиз. Шарк ва Ғарбдаги ғоят ривожланган ва инсоният учун катта масъулиятни ўз зиммасига олган мамлакатлар ўзларининг барча техникавий ҳамда илмий имкониятларини сафарбар килишлари ва бир-бирларидан ўтганишга шай бўлиб туришлари керак. Биз ана шу йўл билангина инсониятнинг муносиб истиқболга эга бўлишини таъминлай олишимизга аминман.

(Давоми 2-бетда).



ЭРТАГА — РАДИО КУНИ



Миллионлаб кишиларга мамлакатимизда рўй бераётган улкан бунёдкорлик ишлари, чет эллардаги воқеалар ҳақида ҳар кун, ҳар соат хабар бераётган радио ва телевидение коллективларининг бебаҳо хизмати бор.

Сиз чапдаги суратда радиоалоқалар республика узели катта инженери Д. Бекчонтоевни кўриб турибсиз. Юқоридаги суратда: республика телемаркази оператори А. Каримов ва рангли кўрсатувлар секторининг бошлиғи Ш. Мухримовлар навбатдаги кўрсатувни тайёрламоқдалар.

Н. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ЭФИРДА ЯНГИЛИК

РЕПОРТАЖ

«Тошкентдан гапирамиз...» Ҳар куни эрталаб ана шу сўзлар республикамиз пойтахтининг радиоэшиттиришларини бошлаб келади. Ўзбекистон пойтахти радиосининг позивнойи бутун планета бўйлаб парвоз қилади. Бу овоз ҳар куни шаҳар меҳнаткашлари ва далаларнинг деҳқонларига, тоғ чўққиларидаги геологларга ҳамда бепоён яйловлардаги чўпонларга шу кунининг янгиликларини дарҳол етказиб беради. Радио овозни янги домналарнинг ишга туширилиши тўғрисида, ёнғин илгор механизаторнинг муваффақияти, янги метростанциясининг очилиши, ёхуд совет артистларининг чет эллардаги гастроли ҳақида ҳикоя қилади.

Эртага радио ва телевидение ходимлари катта армиясининг байрами. Ана шу байрам арафасида ҳамкасбларимиз ҳузурида бўлдик. Албатта уларни байрамлари билан қутлаб, қандай янгиликлар юз бераётганини билан қизиқдик. Бугун биз сизларга ана шу янгиликлар ҳақида ҳикоя қилиб берамиз.

«Машъал» тўлқинида

Ана шу эшиттиришнинг позивнойи бундан тўрт ой муқаддам эфирда янгради. У Бутуниттифоқ «Маяк» типида яратилган «Машъал»— янги ахборот-бадиий программасидир.

Эрта тонгданоқ бўлим мудири Тўлаган Тўхтаевнинг столи янгиликлар билан тўлиб кетади. «Машъал»нинг навбатдаги сони тайёрланмоқда. У бир-бўйи эфирнинг беш минут вақтини олади. Ана шу қисқа минутлар Фарғона водийсида экин экиш муваффақиятли тугалланганлиги. Молдавия ирригаторларининг ишлари, Қирғизистон пойтахтида қурилган уй-жойлар. Тошкент метросининг дастлабки эскалатори ишга туширилганлиги ҳамда ёқилғи ишлаб чиқариш ва камраб олади. Ҳаммаёқдан турли янгиликлар ёғилиб келмоқда.

Бундай «беш минутлик» эшиттиришлардан бир суткада ўн икки марта тайёрланади. Улар республиканинг турли бурчакларидан олинган фан ва техника янгиликлари, халқаро воқеалар тўғрисидаги хабарлардир.

Бугун эшиттиришларни Марҳамат Раҳимов тайёрламоқда. Унинг бригадасидаги журналистлар Диёр Турсунов, Абдуазиз Алимовлар ана шу дақиқаларда мухбирлик тармоқлари билан алоқа богламоқдалар, кейинги воқеалар ҳақидаги ахборотларни телетайпдан олмоқдалар. «Машъал»нинг энг асосий вазифаси — бугун республикада юз берган энг қизиқарли воқеани эътибордан четда қолдирмаслик, уни ўз вақтида тингловчига етказишдир.

Бу эшиттириш ахборот тарикасида ташкил этилиб, кун сайин жанр бўйича кенг кулоч ёзмоқда. Янги эшиттиришнинг янгиликларидан бири — қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассислар н и н г қисқа обзорли чиқиши, халқаро коментаторларнинг суҳбатлари дир...

Ўнлаб мактублар «Машъал»нинг оммалашиб бораётганлигидан далолат беради. Редакциянинг иш режаларида музикали саҳифалар, концерт программалари бор. Булар қисқа ахборотлар билан бирга тингловчиларнинг янада кенг даврасини қамраб олмоқда.

Саховатли ер

«Машъал»нинг навбатдаги сони тугаши билан биз яна бир янги эшиттиришнинг позивнойини тингладик. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни эфирга «Саховатли ер» радиожурнали чиқмоқда. Унинг номи радиожурналистлар ана шу журналнинг саҳифаларида кўтариб чиқаётган мавзулар, проблемалардан далолат бериб турибди.

Кейинги пайтларда ўлкамизнинг ғаллачилик, бойлиги, муҳофазаси, тўғрисидаги масала муҳимлашиб бормоқда. Мамлакатимизнинг янги Конституциясида ҳам табиий бойликларнинг муҳофазаси Советлар мамлакатининг ҳар бир граждани учун қонун, деб тўғри таъриф берилган.

— Бизнинг янги радиожурналимиз, —деб ҳикоя қилади қишлоқ хўжалик эшиттиришлари бош редактори Ортик Тиловбердиев, — табиий бойликларнинг муҳофазаси бўйича талабларни пропаганда қилиш, Ўзбекистоннинг саховатли ери етиштириб бераётган нозу-неъматлар ҳақида ҳикоя қилишдир.

Журналнинг бўлғуси янги сонларидан бирини қўлга олдик. У келгуси пайшанба куни эшиттирилади. Уни тайёрлаш ниҳоясига етиб бормоқда. «Думалоқ стол» қатнашчиларининг сўзлари ёзиб Александр Петрович Берлиндан ҳикоя қилиб беришни сўрадик.

— Бизнинг радио эшиттиришларимиз ва телевизион программаларимизни деярли Ўзбекистоннинг барча аҳолиси кўрмоқда ва тингламоқда. Бизнинг тингловчиларимиз ва томошабинларимиз давраси қанчалик катталигини биргина келаётган хатларга қараб —ўтган йили Ўзбекистон телевидениеси 117 мингдан кўпроқ мактуб олди— билиш мумкин. Ва ўзимизнинг байрамимизни қандай кутиб оляпмиз? Албатта, янги программалар, эшиттиришлар, янги мавзулар билан.

Радиода стереофоник эшиттиришлар кенгайтиряпмиз. 80-йилга бориб, унинг ҳажми бир суткада 8 соатдан иборат бўлади.

Телевидениеда бўлса, янги телевизион марказга катта ишонч билан боқапмиз. Бу комплекснинг дастлабки фойдаланишга топширилади. Ана шу комплекс туфайли келгуси йили Ўзбекистон телевидениесининг барча кўрсатувлари рангли тасвирда олиб борилади.

Янги комплексда хар бирининг ҳажми 600 квадрат метрдан иборат бўлган иккита концерт студияси бор. Бу ерда катта концерт программаларини, йирик симфоник оркестрлар, балет труппаларининг чиқишларини ёзиб олиш мумкин. Телевидениемизнинг яқин келгусидаги планлари Ўзбекистон шаҳарлари, меҳнат илғорлари тўғрисида телевизион фильмлар, фильм — концертлар, ҳар хил қизиқарли программалар кўрсатувлар тайёрлашдан иборат.

А. ТЮРИКОВ.

Эртанги истиқболимиз

Бизнинг радионмиз кўпсонли тингловчиларини яна қандай янгиликлар кутмоқда, унинг шуҳрат қозониб бораётган укаси—телевиденеининг истиқболи ҳақида гапириб беришни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги телевидение ва радио эшиттириш бўйича давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Александр Петрович Берлиндан ҳикоя қилиб беришни сўрадик.

— Бизнинг радио эшиттиришларимиз ва телевизион программаларимизни деярли Ўзбекистоннинг барча аҳолиси кўрмоқда ва тингламоқда. Бизнинг тингловчиларимиз ва томошабинларимиз давраси қанчалик катталигини биргина келаётган хатларга қараб —ўтган йили Ўзбекистон телевидениеси 117 мингдан кўпроқ мактуб олди— билиш мумкин. Ва ўзимизнинг байрамимизни қандай кутиб оляпмиз? Албатта, янги программалар, эшиттиришлар, янги мавзулар билан.

Радиода стереофоник эшиттиришлар кенгайтиряпмиз. 80-йилга бориб, унинг ҳажми бир суткада 8 соатдан иборат бўлади.

Телевидениеда бўлса, янги телевизион марказга катта ишонч билан боқапмиз. Бу комплекснинг дастлабки фойдаланишга топширилади. Ана шу комплекс туфайли келгуси йили Ўзбекистон телевидениесининг барча кўрсатувлари рангли тасвирда олиб борилади.

Янги комплексда хар бирининг ҳажми 600 квадрат метрдан иборат бўлган иккита концерт студияси бор. Бу ерда катта концерт программаларини, йирик симфоник оркестрлар, балет труппаларининг чиқишларини ёзиб олиш мумкин. Телевидениемизнинг яқин келгусидаги планлари Ўзбекистон шаҳарлари, меҳнат илғорлари тўғрисида телевизион фильмлар, фильм — концертлар, ҳар хил қизиқарли программалар кўрсатувлар тайёрлашдан иборат.

А. ТЮРИКОВ.

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

5 май куни Тошкентдаги А. Навоий номли театрда Совет матбуоти кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзов доклад қилди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, КПСС XXV съезди қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари жуда катта роль ўйнаётганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 4 май куни Бонн марказидаги Хофгартен хиёбонида уруш ва зўравонлик қурбонлари хотирасига ўрнатилган ҳайкалга гулчамбар қўйди.

Қизил лентага рус ва немис тилларида қуйидаги гаплар ёзилган: «Милитаризм ва нацизм қурбонларига. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев».

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР ва Социалистик Эфиопия ўртасидаги дўстона ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларация имзоланганлигининг бир йиллиги муносабати билан Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг Раиси М. Х. Мариамга йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган.

● Ёзувчи Михаил Николаевич Алексеевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони босилган.


САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА X БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ

ТОШКЕНТ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари соврини учун

ОҚ ЙЎЛ, ТУРНИР!

• X анъанавий турнир старт олди • Шаҳримизнинг энг яхши спорт аренаси самбочилар ихтиёрида • Ўринбосарларнинг катта кўриги



БУГУН

«Меҳнат резервлари» комплекси спорт аренасида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун самбо бўйича анъанавий X Бутуниттифоқ очиқ турнири старт олади. Бу турнир фашистлар Германияси устидан қозонилган Буюк Ғалаба нинг 33 йиллигига бағишлаб ўтказилмоқда.

Самбо йилдан-йилга оммавийлик касб этиб бормоқда. Курашнинг бу тури бир неча классик ва миллий кураш турларининг хусусиятларини ўзида мужассамлантириш асосида вужудга келган. Мамлакатимиз самбо ватани ҳисобланади. Аммо ҳозир самбо билан жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларининг спортчилари шуғулланишмоқда, курашнинг бу тури бўйича кўплаб мусобақалар ташкил қилинмоқда. Шу ўринда бир мисолга мурожаат қилайлик. Яқинда республикамиз пойтахтига самбо бўйича Япония терма командаси меҳмон бўлиб келди. Бу мамлакат дзю-до ватани ҳисобланади. Шунга қарамасдан улар самбонинг имкониятлари кенг эканлигини тан олишмоқда. Уларнинг фикрига қараганда, самбо ҳар бир спортчининг ўзига хос хусусиятларини ёркин намойиш қилиш, ишлатиладиган усулларнинг кўплиги билан томошабинларни ўзига кўпроқ жалб қилади. Ҳозир самбо бўйича жаҳон биринчилиги, жаҳон Кубоги беллашувлари ташкил қилинялти. Спортнинг бу тури СССР халқларининг Спартакиадаси программасига киритилган.

Тошкентда ўтказилаётган турнир мамлакатимиздаги спортчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, курашчиларнинг маҳоратларини ошириш, курашнинг бу турини оммалаштириш, тренер ва мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишларига ҳизмат қилади. Шунингдек, бу беллашувларда Европа ва жаҳон биринчилигида мамлакатимиз терма командаси шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларнинг имкониятлари ва маҳоратлари синовдан ўтказилади. Айни пайтда бу турнир ёш спортчилар учун ўз маҳоратларини намойиш қилиш мактаби вазифасини ўтайди. Беллашувларда қатнашиб, ўз вазн-тоифасидаги кураш чилар ўртасида биринчи-учинчи ўринни эгаллаган спортчиларга «СССР спорт мастери» унвони берилади. Худди шу чарсе беллашувларни ниҳоятда кескин ўтишига омил бўлади.

Судьялар бригадаси мусобақанинг ташкил қилиниши, унда қатнашадиган курашчилар, мусобақа географиясини аниқлаб чиқди. Турнирда мамлакатимизнинг деярли эллик шаҳридан 400 спортчи қатнашади. Мусобақаларнинг бош судьяси этиб Бутуниттифоқ тоифасидаги судья М. Евтушов тасдиқланди.

Ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллаган турнир қатнашчилари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг дипломлари, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг диплом ва мукофотлари билан тақдирланадилар. Шунингдек, «Энг яхши техника учун», «Энг кўп курашчи қатнашган вазн тоифаси ғолиби», «Энг яхши натижага эришган, энг ёш иштирокчи» мукофотлари ҳам таъсис қилинган.

«Меҳнат резервлари» комплекси ҳозир шаҳримиздаги энг яхши спорт ареналаридан биридир. Бугун эрталаб бу ерда 48, 57, 68, 82 ва 100 килограмм оғирликдаги курашчилар баҳсларни бошлашади. Улар эртага ўзаро орани очиқ қилиб бўлишади. 52, 62, 74, 90 ва 100 килограммдан энгил оғирликдаги самбочилар эса мукофотлар учун бўлган баҳсларни 8 ва 9 май кунлари ўтказишади. Эрталабки мусобақалар соат 10 да, кечки мусобақалар эса соат 16 да бошланади.

Шундай қилиб, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари соврини учун самбо бўйича ўтказилаётган анъанавий ўнинчи турнир старт олди. Биз унга омад тилаймиз.

В. СТУЛИН.

ОЛИЙ МЕҲМОН ШАРАФИГА

(Боши 1-бетда).

Ҳозирги вақтда Сизнинг мамлакатингизда ва бизнинг мамлакатимизда яшовчи гражданларнинг кўпчилиги иккинчи жаҳон уруши ҳалокатларидан кейин туғилган. Бу авлоднинг ҳаётий тажрибаси уруш билан эмас, балки турли даражадаги иқтисодий, техникавий ва социал ўзгаришлар билан белгиланди. Бу авлод учун ўтган замон самара бермайдиган машаққат бўлмай, келажакда кўпроқ умид бахш этувчи йўлларни кидириб топишга огоҳлантирувчи чақирик бўлиб хизмат қилиши керак.

Мен шу кечки пайтда мамлакатимдаги ана шу ёшлар тўғрисида гапиришни ва айни вақтда, Рейс жаноблари, Сиз орқали мамлакатингиздаги ёш авлодга мурожаат қилишни истайман. Немис ёшлари ҳозирги кунда ўз ота-боболарига нисбатан бошқачарок истиқбол билан механат ҳаётига қадам қўймоқда. У ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётида актив қатнашиш учун барча ҳуқуқ ва имкониятларга эгадир. У тинчлик ўзи учун ва ўзининг барча замондошлари учун қандай аҳамиятга молик эканлигини билади. Ёш авлоднинг сиёсий садоси ва гражданлик онги бартараф килинган тўқмишнинг метод ва максадлари мамлакатимизда яна устун мавкени эгаллай олади, деган барча гумонсираш ва хавфсирашларни рад этади. Мен комил ишонч билан шу авлодни ёклаб чикмоқдаман. Бу авлод жаҳонни ва атрофтеварагдаги вокеликни очик ва зийраклик билан хис этмоқда. Бу авлод танкид килса хам, ички тартибимизнинг асосий демократик принципларини кабул килиб олган. Бошқа халкларнинг мухтожлик кишиларидан халос бўлишига ёрдам берганимиздагина мамлакатимиз муносиб равишда фаоратли бўлади, деб хисоблай олишимизни бу авлод тобора аник-равшан англамоқда. Бу авлод аввало келажакдаги буюк вазифалар тинч шароитдагина хал этилиши мумкин эканлигини билади.

Бундай карашлар бошка халкларга нисбатан галамис бўлиш ва нафрат кўзи билан карашга ўрин колдирмайди. Иккинчи жаҳон урушининг сермашаққат тажрибасини кўрганингиздан кейин шу хилдаги ўзгаришларни тўлик англаб олишингиз ва уларга ишонишингиз қийин бўлса керак. Аммо мен шуни айтишни истайманки, муносабатларимизнинг характери ва келажакни таъминлаш жуда хам муҳимдир, биз бутун воситаларни ишга солиб, ёшларимизни бошқалар тўғрисида ҳақиқатга яқин баҳо беришдан кўра, сохта уйдирмалар билан тасаввур олиш тенденциясидан халос килишимиз лозим.

Мамлакатлардан биронтасининг хам ёш авлоди хатони такрорлашни ва «душман портретлари» деб аталмиш нарсага тайиб иш кўришни истамайди. Бизнинг алодимиз ўз замонасининг вазифаларини уддалай олиши учун бошка халкларнинг ўзига хос хислатларини хурмат килиши ва муштарак манфаатларни аниклаб олишни ўрганиши керак. Реализм ва хушёрлик наф келтиради, ғаламислик ва нафрат кўзи билан караш хамма учун хатарлидир.

Тинчликни сақлаш — барча замонлар ва кишиларнинг асосий маънавий бурчидир. Айни вактда хозирги индустриал давлатларнинг тинчликдан ҳаётий манфаатдор бўлиши сиёсатимизнинг мустаҳкам негизи бўлиб хизмат килади.

Рейс жаноблари, Москва шартномаси биз шундан кейинги даврда Шаркий Европадаги давлатлар билан ва ГДР билан тузган шартномаларимиз. Берлин хусусидаги тўрт томонлама битим ва Хельсинкида имзоланган Якуловчи акт хам хозирги пайтда Европада тинчликнинг пойдеворидир.

Сўнгра В. Шеель ГФР билан ГДР ўртасидаги муносабатлар масаласи юзасидан ГФРдаги муайян доираларнинг маълум концепциясини баён килди.

Берлиннинг мавкеи, деб таъкидлади президент, катта аҳамиятга эгадир. Германия Федератив Республикаси хар икки томоннинг тўрт томонлама битимга қатгик риоя қилиш ва уни тўла-тўкис амалга оширишдан келиб чиқадиган сиёсати хамкорлигимизнинг турли соҳаларидаги говларни йўқотишга олиб боради ва умуман муносабатларимизни ривожлантиришга ёрдам беради, деб умид киладн ва шуни кўзда тутади. Биз аввало ишонч ҳосил килишимиз керак. Энг яхши ният билан қилинаётган ишларнинг кўпи ишонч йўклиги орқасида нотўғри талкин этилади.

Шундан кейин В. Шеель немис миллати оиласини қайтадан бирлаштириш масаласи юзасидан ўз фикрини айтди.

Германия Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқининг сиёсий ва иктисодий тузуми, деб сўзини, давом эттирди у, турличадир. Биз бу хусусда индамай ўтолмаймиз ва индамай ўтишни истамаймиз. Аммо давлатларимизда яшовчи кишиларнинг бир-бирларини яхши билишлари, ҳар икки мамлакатимиздаги жамият, экономика ва сиёсат тўғрисида мустакил фикр баён кила олишлари мухимдир.

Уруш вактида ва урушдан кейинги даврда авлодимизнинг сиёсий киёфаси белгиланди, Рейс жаноблари, бизнинг авлодимиз кейинги йилларда бажаришмиз лозим бўлган ишларни килди: биз кўп жафо келтирган ўтмишнинг машаққатларини тугатишга ҳаракат килдик. Аммо биз гражданларимизнинг умидларини оклашни истар эканмиз, бу билан чекланиб колмаслигимиз лозим. Ёшлар жуда хам бетокат бўладилар. Биз пойдеворни куриб берганимиздан кейин улар Европада Шарк билан Ғарб ўртасидаги хамкорлик биноси қад кўтариб боришини истайдилар. Максадлар хаммага равшан: микёслар ўтмишдагига нисбатан бошқача бўлиши керак. Улар ўз мамлакатларимизнинг чегараларидан хам ташкаридаги кенг доираларни қамраб оладиган масъулиятга асосланиши лозим.

Рейс жаноблари, биз бу йил Лев Толстой туғилган кунининг 150 йиллигини нишонлаймиз. Мен унинг ижоди халкларимизга жуда катта маънавий бойлик келтирганидан хам кўра бошка яхширок мисолни билмайман. Унинг ижоди немисларнинг кўпдан-кўп авлодларини астойдил тўлкинлантирди ва бутун бир даврнинг социал онги ва виждонини ўзгартириб юборди. Тинчлик, социал адолат ва кишилар ўртасидаги қардошлик учун курашчи ана шу улуғ зотнинг садосини масъулият эстафетасини қўлимиздан қабул килиб олувчи кишилар хам эшитадилар. Рус ва немис шоирлари хамда ёзувчиларининг улуғ гоялари халкларимиз орасида яшаётганлиги бизни қувонтиради.

Мен Совет Социалистик Республикалари Иттифоки Олий Совети Президиуми Раисининг соғлиги учун, Германия Федератив Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш ва мустахкамлаш учун, Европада ва бутун жаҳонда тинчлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

Л. И. Брежнев жавоб нутки сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Мухтарам федерал президент жаноблари!

Мухтарам федерал канцлер жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

Германия Федератив Республикасига келишга таклиф қилганликлари, бу ерда бизни шодиёна кутиб олаётганликлари учун мезбонларимизга, жаноб Президент, айтган самимий сўзларингиз учун Сизга астойдил миннатдорчилик билдиришни истардим.

Мамлакатингизнинг давлат сиёсий арбоблари, парламент аъзолари ва савдо-саноат кишилари билан яна бир карра учрашиш кишини қушнуд қилади. Бундан саккиз йил аввал мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш хамжиҳатлик ва яхши қўшничилик сари кескин буриб юборишдек осон бўлмаган ишни ўз зиммаларига олган кишилар билан яна учрашиш айниқса қувончлидир.

Бу ерда жаноб Шеель эслатиб ўтган Москва шартномаси дарҳақиқат жуда катта воқеа бўлганди. Ўша шартнома Совет Иттифоқи билан ГФР халкининг, шунингдек Европадаги ҳамма халқларнинг ҳозирги тинч ахвол сақланиб колишга ва тинч келажакка эришиш мумкинлигига ишончларини кучайтириб юборди.

Ўтган йиллардаги икки томонлама ҳамкорлигимизнинг якуни салмоқли, сезиларли. Ривожланган сиёсий алоқаларда, кенг ва тобора ўзаро фойиб бораётган иқтисодий алоқаларда, кишилар ўртасида ўсиб бораётган алоқаларда мана шу ҳамкорлик самараларини кўрамиз.

Мен бу билан қўлни қовуштириб олиб, қилинган ишлардан завқланиб ўтириш дамлари келди, демоқчи эмасман. Тарих ўз вақтида бизга муаммолар меросини тайёрлашга хаснслик қилмади. Кейинчалик «совуқ уруш» сиёсати бундай муаммоларни кўпайтирди ва чуқурлаштириб юборди, аммо бахтимизга улар асосан орқада қолиб кетди.

Лекин ҳозирда ҳам ташвишлар етарли. Энди илгарида ҳам проблемалар пайдо бўлиб турибди. Эҳтимол, бу проблемалар бошқача хусусиятга эгадир, лекин пайдо бўлиб турибди. Шуларнинг ҳар бири учун хам тайёр восита, битимларда айтилган тайёр модда топилавермайди. Аммо ҳамиша олға бормоқ керак, Ўтмиш хотираси, бўладиган ишларнинг масъулияти бизни шунга мажбур қилади. Бўлиб ўтган ёҳуд энди бўладиган учрашувларимизга мен айни мана шу нуқтаи назардан қарайман. Ўйлайманки, шерикларимиз ҳам мана шундай кайфиятда бўлсалар керак.

Одамзод деярли ҳамма нарсага кўникиб кетаверади, дейишади. Урушда хавф-хатарга, яхши замонларда — тинчлик-фаровонликка ҳали ҳаста эмас экан, ҳаттоки соғломликка хам кўникади. Европада тинчлик ҳукм сураётганига 30 йилдан ошиб кетди. Илгари ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Шундай қилиб, кишилар тинчликка ҳам, худди шундай бўлиши керакдек кўникa бошладилар, кўпгина синовлардан ўтиб келган бўлса-да, кескинлик юмшашига ҳам кўника бошладилар.

Тинчликнинг кундалик ҳолат бўлиб қолаётганлиги ўз куч-қувватларини аямай кескинликнинг юмшатилишига интилаётган кишиларнинг ҳаммасига энг яхши мукофотдир. Бу эса айни вақтда огоҳлантириб ҳам туради. Хотиржамликка берилиб, воқеаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ғоят хатарли бўлур эди. Мен тинчлик учун курашмоқ керак, кескинликни юмшатишни изчил равишда чуқурлаштириб бориб, уни муқаррар бир жараёнга айлантириш керак, деган гапни айтганман ва қатъий ишонч билан яна бир карра такрорлайман. Бу масалада на четдан туриб кузатувчилар, на унга қарам кишилар бўлмаслиги керак. У ҳаммага баб-баравар тааллуқлидир.

Тинчлик ҳамма давлатлар сиёсатининг асосий йўналиши ва мезонига айланган, қўшнидан қўрқиш эмас, балки бир-бири билан ҳалол ҳамкорлик қилишга, бирон томоннинг хавфсизлигига зарар етказмай аҳдлашувга онгли интилиш вужудга келаётган проблемаларга ҳукуматларнинг ёндашувини белгилаб берган тақдирдагина тинчлик ҳақиқатан ҳам мустаҳкам бўлади. Қўрқиш — ёмон маслаҳатчи, шубҳа билан қараш тинчликка хизмат қилолмайди.

Бошқа Ғарб мамлакатларидаги сингари ГФР да ҳам миллион-миллион кишилар, шу жумладан, кўпгина таниқли давлат ва сиёсий арбоблар Совет Иттифоқи ҳамда социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан мустаҳкам тинчлик ва яхши ҳамкорлик қилишни астойдил истаганликларини яхши биламиз.

Лекин биз умуман Ғарбда, қўйингчи сизнинг мамлакатингизда ҳам кескинликнинг юмшатилишини мақбул кўрмайдиган кишилар борлигини ҳам биламиз. Шуларнинг баъзилари ўз давлатларининг сиёсатида Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга хавфсираб қараш ва уларга нисбатан адоват, ҳатто бу нарса янги уруш чиқиш хавфини кучайтираётган тақдирда ҳам, доимо бўлиб турмоғи керак, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса, Совет Иттифоқига ёт ёвуз ниятларни унга тўнковчи кишиларнинг сўзларига ишониб, янглишаётган бўлишлари мумкин.

Энг хавфли ботқоқлик бидъат ботқоқлигидир. Энг қийин гов-ишончсизлик говидир. Мана шуларни енгиб ўтсак, инсоният ўтмишда ҳеч қачон бўлмаган мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун мисли кўрилмаган куч-қувват ва воситаларга эга бўлади.

Ишончсизлик ҳозирги халқаро ҳаётнинг кишиларни ёппасига қирадиган воситалар ишлаб чиқариш пойгаси сингари мудҳиш ҳолни руҳлантиради. Аслини олганда бундай пойга бемаънилиқдир. Бундай пойгада ютиб чиқиш мумкин эмас, Лекин инсониятни ҳалок этиш осон. Бинобарин, бунга чек қўйиш пайти келди.

Шундай экан, келинг, бунга чек қўйайлик. Шундай қилайликки, қурол-яроғлар бошка қўпайтирилмасин. Жаҳон миқёсида Европада, жумладан, Марказий Европада ҳам қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш борасида реал қадамлар қўяйлик. Янги оммавий қирғин қуролларининг янги системаларини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни авж олдиришдан воз кечиш тўғрисида аҳдлашиб олайлик. Ўзаро аҳдлашув тақозоси йўли билан нейтрон қуроли пайдо бўлишига барҳам берайлик. Уни қитъамизнинг халқларига данайликларнинг мудҳиш ҳадяси сифатида тақдим этмоқчилар.

Совет Иттифоқи катта ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучлари миқдор ва сифат жиҳатидан янада оширилишини батамом тўхтатиш тўғрисида яқиндагина комплекс таклифларни ўртага қўйди. Биз ҳозирги вақтда хоҳ ядровий, хоҳ одатдаги қуролланиш пойгасининг ҳамма йўлларини тўхтатишдан қўра етилган ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа йўқлигига ишонамиз. Биз мана шу вазифани ҳал этишда ҳамма давлатларни, тинчликни истайдиган ва яхши ниятдаги ҳамма кишиларни, шу жумладан, албатта, Германия Федератив Республикасидаги муҳтарам шерикларимиз ва дўстларимизни ҳам ҳамкорлик қилишга чақирамиз.

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Боннда ўтказган дастлабки суҳбатларимиздан шу нарса кўриниб турибдики, иккала мамлакат раҳбарларининг учрашувлари қалқларимизга, тинчликни мустаҳкамлаш ишига яхши хизмат қилади, биргалашиб куч-гайрат сарфлаш учун қўшимча доиралар очиб беради, янги, ҳали фойдаланилмаган резервлар ва имкониятларни ишга солади, деб умид қилса бўлади, дейиш мумкин.

Бизнинг мамлакатимиз бепоён, У икки қитъада жойлашган. Унда неча ўнлаб миллат ва элатлар яшайди. У ягона, аҳил онладир. У истеъдодли ва оқ кўнгил кишилари ғоятда кўп бўлган тинчликсевар ва меҳнаткаш халқдир. У бировнинг нарсасига кўз олайтирмайдиган халқ. Унинг нияти олижаноб. У ҳамма халқлар билан, шу жумладан, сизнинг халқингиз билан ҳам тинч ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга тайёр.

Шу баҳорги май айёмида мамлакатингиз гражданларига фаровонлик ва равнақ тилашимга рухсат бергайсиз!

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик руҳи учун қадаҳ кўтаришга рухсат бергайсиз!

Федерал президент билан Шеель хонимнинг сиҳат-саломатликлари учун!

Федерал канцлер билан Шмидт хонимнинг сиҳат-саломатликлари учун!

Шу ерда ҳозир бўлганларнинг сиҳат-саломатликлари учун!

* * *

В. Шеель ва Л. И. Брежневнинг нутклари зўр эътибор билан тингланди ва карсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

* * *

БОНН, 5 май. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Бонн марказидаги Хофгартен хиёбонида уруш ва зўравонлик курбонлари хотирасига ўрнатилган ҳайкалга кеча гулчамбар қўйди.

Қизил лентага рус ва немис тилларида қуйидаги гаплар ёзилган: «Милитаризм ва нацизм курбонларига. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев».

◆ ТЕЖАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Юбилей йили бошида Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи зиммасига йил давомида хом ашё материаллар, хомсурп, электр ва иссиқлик энергиясини тежаш юзасидан катта социалистик мажбуриятлар олганди. Хўш, бу мажбуриятлар қандай бажарилди?

Йил давомида 102 тонна пахта иқтисод қилинди. Бу мажбуриятдагидан 28 тонна кўп демакдир. Шунингдек, комбинатда ўтган йили 1356 минг метр хомсурп тежалди. Тежамкорлик борасида айниқса йигирув-ип, пардозлаш фабрикаларида юқори кўрсаткичга эришилди. Жумладан, ип-йигирув фабрикаси коллективи ўтган йили 147 тонна пахта толаси тежаган бўлса, пардозлаш фабрикаси механтчилари жуда кўп миқдорда хомсурп тежашга муваффақ бўлдилар.

Ишлаб чиқаришлар, цех ва участкаларда сифат ва самарадорликни ошириш, тежамкорликка эришишда социалистик мусобақа муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учун ҳам корхонада социалистик мусобақанинг қудратли кучига алоҳида эътибор берилиб, унинг натижалари мунтазам равишда якунланмоқда. Мусобақа илғорлари аниқланиб, улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Айниқса, бу ўринда механтга коммунистик муносабат самарали натижалар беряпти. Бугунги кунда корхонада 9554 нафар коммунистик механт ҳаракатида фаол иштирок этмоқда.

Тежамкорлик учун курашни янада намунали йўлга қўйишда иккинчи тўқув фабрикасининг донгдор тўқувчиси А. С. Верзилинанинг «Ёш ишчига— мураббий мараси» ташаббуси муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир бу ташаббус асосида комбинатнинг 712 нафар ишлаб чиқариш илғори 822 ёш ишчига мураббийлик қилмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор механт йилига айлантиришга азму қарор қилган тўқимачилар бу йил ҳам хом ашё, материаллар, электр ва иссиқлик энергиясидан тежаб-тергаб фойдалишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Комбинат касаба союз комитетининг раиси Эркин Ҳамидов коллективининг ўнинчи беш йиллигининг учинчи йили тўғрисида барча механткашларга йўллаган Мактуби комбинатимиз кўп минг сонли тўқимачиларини улкан механт зафарлари сари илҳомлантирмоқда. Бу йил ҳаётимизнинг Асосий Қонуни— СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланади. Бу қутлуғ санани муносиб қарши олиш ва беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунлаш, КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун кураша бориб, корхонамиз коллективи 1978 йил учун оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Мажбуриятларда йиллик планга қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, механт унумдорлигини ўстириш, энг муҳими йил давомида 30 тонна пахта, 400 минг квадрат метр газлама, 1050 минг киловатт-соат электр қуввати, 2700 гикокалория иссиқлик энергиясини тежаш ва бошқалар кўзда тутилган. Биз Мактубга жавобан ишлаб чиқаришдаги резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бутун кучи мажбурият ва плантопшириқларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этяпмиз. Корхонамизда йилнинг биринчи квартал топшириғи барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этилганлиги фикримизнинг исботидир.

Б. САЙДАЛИЕВ,
кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

ГЕНИАЛ МУТАФАККИР ВА РЕВОЛЮЦИОНЕРГА БАҒИШЛАНАДИ

Геннал мутаффаккир ва оташин революционер Карл Маркс туғилган кунининг 160 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланмоқда.

5 май куни Тошкентда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу шонли санага бағишланди. Конференцияни Чилонзор район партия комитети билан Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти уюштирган. Институт ўқитувчилари марксизм-ленинизмнинг асосий қоидалари тўғрисида доклад ва ахборотлар билан чиқдилар.

Педагогик жамоатчиликнинг республика пойтахтида бўлиб ўтган тантанали йиғилиши қатнашчилари К. Маркс таълимотининг буюк ҳаётий кучи тўғрисида, унинг ғояларининг тантаналигн ҳақида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

Уругвай Компартияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси Эдуардо Виэра Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

5 май куни Тошкентдаги «Узбексельмаш» заводида Уругвай ватанпарварлари билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари оғир яширин шароитда озодлик учун кураш олиб бораётган Уругвай коммунистларини, барча ватанпарварларини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Э. Виэра митингда нутк сўзлаб, Уругвайнинг курашаётган халқи билан бирдамлик учун совет кишиларига самимий миннатдорчилик изҳор этди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

5 май куни яқинда Прагада ўз ишини тамомлаган касаба союзлари IX Жаҳон конгресси қатнашчиларининг Тошкент шаҳридаги касаба союз активлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Африкадаги 12 мамлакат вакиллари бўлган меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатига, республика пойтахтидаги бошқа корхоналарга бориб, у ерда касаба союз иш тажрибаси билан, ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат, турмуш ва ҳордиқ чиқариш шароитлари билан танишдилар.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари немис халқи гитлерчилар фашизмидан озод этилган кунининг 33 йиллигини нишонламоқдалар. Шаҳар жамоатчилиги вакилларининг 5 май куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу тарихий санага бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари ривожланган социалистик жамият барпо этишда, марксизм-ленинизм буюк ғояларининг тантаналги учун курашда Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларига янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. (ЎзТАГ).

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

«План— қонун, бажармоқ— бурч, ошириб адо этмоқ — шарафдир!». — Ёғ-мой комбинатига киравришда ана шундай шиорга кўзингиз тушади. Комбинат аҳли чиндан ҳам сифат ва самарадорлик беш йиллигида баракали меҳнат қиляпти. Биринчи квартал топшириғининг муддатидан илгари ортиғи билан адо этилганлиги ҳам бундан далолат беради. Ёғ-мойчилар пландан ташқари бир миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб бердилар.

Комбинат аҳли, айниқса маҳсулот ассортиментини кенгайтиришга, сифат ва самарадорликни оширишга катта эътибор беряпти.

Яқинда комбинатнинг яна бир маҳсулоти Давлат Сифат белгисига сазовор бўлди. Бу — қалампирли майонездир. Эндиликда уч хил — «Баҳор», «Провонсаль» ва қалампирли майонезлар фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилляпти. Ёғ-мойчилар беш йилликнинг зарбдор меҳнат йилида янги маҳсулотдан 20 тонна тайёрлаб беришади.

УСТАЛАР КОНКУРСИ

«Ташгрушка» фабрикасида ўтказилган ишчи маҳорати конкурси чакқонлик ва эпчиллик намойишига айланди. Унда 20 дан ошиқ киши қатнашди. Мусобақа йиғув цехи, электромеханика цехи ва сузадиган ўйинчоқлар цехи ходимларининг орасида группа-группа қилиб ўтказилди. Йиғувчилардан М. Иноятова билан Р. Худойберганова, шунингдек пайвандловчи Р. Ким конкурс топшириқларини ҳаммадан яхши ва тез бажардилар. Уларга биринчи ўринлар берилди. Ғолибларга эсдалик вимпель ва пул мукофотлари топширилди.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Тошкент грампластинкалар заводида пластинка ясашда ишлатиладиган пресс форма ишлаб чиқариш жараёни қарийб бир ярим баравар қисқарди. Янги технология механт унумдорлигини оширганлигидан ташқари ускуналар сифатини ҳам яхшилади. Эндиликда битта пресс форма ёрдами билан икки баравар кўп грампластинка тайёрлаб чиқараверши мумкин.

РАДИОДИСПЕТЧЕР

Республика яйлов мелиорацня қурилиш бирлашмасининг Қорақалпоғистон қурилиш-монтаж бошқармасида радиолаштирилган диспетчерлик хизмати жорий этилди. У моддий мабалғлар планли равишда тақсимланишини координация қилиб туришга, ҳафталик ва суткалик иш планини тузишга ёрдам беради. Дастлабки ҳисоб-китоблар диспетчерлик хизмати механт унумдорлигини бир ярим баравар ошириб, ёнилғи ва сурков мойлари сарфини 20 процент камайтиришини кўрсатди.



«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида қарашли 3-босмахона коллективи ўртасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Қатор илғор ишчилар беш йилликни 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олиб, механт қилишмоқда.

СУРАТДА: босмахонанинг илғор ишчиларидан (чапдан-ўнгга) Сура Ванис ва Гулсара Ғаффорова.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ОЛИМЛАР ДАЛАДА

Тошкент Давлат медицина институтининг бир группа олимлари анатомия кафедрасининг мудири, профессор, Р. Худойбердиев бошчилигида Тошкент областининг Куйбишев районидаги деҳқонлар ҳузурида бўлишди.

Олимлар райондаги поликлиника ва касалхоналарда бўлишиб, беморлар билан суҳбатлашишди ва шифокор ҳамкасбларига маслаҳатлар беришди. Шундан кейин Куйбишев район партия комитетининг мажлислар залида олимлар билан дала механткашларининг савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди. Бунда республикада ҳизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А. Абдуллаев, кўз касалликлари кафедрасининг мудири М. Ҳамидова, доцентлардан Э. Қосимов, А. Исмоилова, Х. Сайдакбарова ва ўнлаб бошқа шифокорлар колхоз ва совхоз деҳқонларининг саволларига жавоб беришди.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Орзулари бир дунё

Насибани бирлашмада ишлаётганига ҳали кўп вақт бўлмай, уни ҳамма таниб қолди. Бу ғайратли, чаққон, қўли гул қизнинг ўз касбига астойдил ихлоси, завқ билан механт қилаётганини кўрган кишининг ҳаваси келади. Орзуга айб йўқ, деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатдан ҳам, инсон қайси бир касбда бўлмасин, механтни севса, ўз касбига меҳр қўйса, шундагина ўз орзу-мақсадига эришади ва бахт топади.

Насиба ҳам ёшлигидан тикувчи бўлишни орзу қиларди. Ўнинчи синфни битиргач, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келди. Аввалига катта цехлар, қатор-қатор тикув машиналари, чеварларнинг чаққон ҳаракатларини кўриб ҳаяжонланди. — Мен ҳам шуларга ўхшаб тез тика оларманкинман?— деб ўйлади.

Уни Санобар Илҳомова ва Ҳадича Умарова сингари илғор тикувчилар ўзларига шогирд қилиб олишди. Насиба тез кунда цехдагилар билан чиқишиб кетди. Очиқ кўнгиллилиги, хушмуомалалиги билан тилга тушди. Устозларининг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглар, насиҳат ва ўгитларини бажонидил қабул киларди. У илғор ишчилар билан яқиндан танишишга, уларнинг касб сирлари, тажрибаларини тезрок билиб олишга уринарди.

Насиба ўз устида қунт билан ишлашн, тиришқоқлиги ва изланувчанлиги туфайли касб сирларини ўрганиб олди. Тез орада илғорлар сафидан ўрин олди.

Ғайрат билан механт қилиб, ўз орзуларига эришган илғор тикувчи-мотористка Насиба Саъдуллаевани тез орада 1-цехнинг 1-агрегатига мастер қилиб тайинлашди. Унинг қувончи чексиз эди. Яқиндагина орзуларимга эриша оларминканман, мен ҳам илғор тикувчи бўларминканман,— деб юрганди. Мана қисқа вақт мобайнида цехдаги қайнок ҳаётга қўшилиб кетди, тажрибали чеварлар ёрдамида тикув машинасини тезда ўзлаштириб олди. Кўп ўтмай ўз ишининг моҳир устасига айланди.

У энди бирлашмада мастер. Унинг агрегатида 34 нафар ёш тикувчи механт қилмоқда. Насиба ишга янги келганларга қўлидан келган ёрдамини аямайди.

— Насиба қобилиятли, тиришқоқ қиз,— дейди устози Санобар Илҳомова,— мана етти йилдирки, самарали механт қилиб келяпти. У ўз касбини жуда севади, илғорлар тажрибасига амал қилади, ўзидан катталар билан бамаслаҳат иш кўради. Сифатга алоҳида эътибор беради.

— Ҳа, чиндан ҳам механт кишини улуғлар экан. Мана, ўз бахтимни механтдан топдим. Орзуларимга эришдим. Устозларим Санобар ва Ҳадича опалардан жуда миннатдорман. Уларнинг ғамхўрлиги, ёрдамлари туфайли ўз орзуларимга эришдим,— дейди у фахр билан.— Ҳозир агрегатлараро мусобақалашаяпмиз. Белпашув яхши самаралар беряпти. Ойлик ва кунлик план-топшириқларни 130—140 процентдан адо этиб келяпмиз.

Насибани бирлашма коммунистлари 1977 йил сентябрь ойида ўз сафларига қабул қилиш истагини билдиришиб, муносиб деб топишди. Н. Саъдуллаева 1975 йилдан бери шаҳар Советига депутат, у бунга иккинчи марта муяссар бўлди.

Насибанинг ҳаётида бу унутилмас воқеа бўлди, албатта. Унинг қувончи чексиз. Бу юксак ишончни оқлаш учун янада ғайрат, завқ-шавқ билан, кўтаринки руҳ билан механт қиляпти. У ҳозир йиллик планни 7 октябрга қадар бажариб, СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб механт совғалари билан кутиб олиш иштиёқида ёнмоқда.

Д. ИКРОМОВА.

Тошкент оқшоми да босилгандан кейин

«БУ—ЭЪТИБОРСИЗЛИК ЭМАСМИ?»

Сергели районидаги Навоий ва Маданият маҳаллаларида кўчатларни суғориш учун сув муаммоси ҳал этилмай келинаётганлиги юқоридаги сарлавҳали материалда 24 мартда танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармасидан қўйидагиларни хабар қилишди: Чоштепа кўчасида иккита насос станцияси ўрнатилди, кўчатларни суғориш учун қўшимча машина ажратилди, шунингдек Жунарик кўпригидан Бўрижаргача кўчатларга қарайдиган махсус одамлар бириктилди.

• *Хат босилмади, аммо чора кўрилди*

Хато тузатилди

Газетхонлардан бири обуна бўлган газетасини вақтида олмаётгани хусусида шикоят қилган эди.

«Союзпечать»нинг шаҳар дирекцияси бу хато тузатилганини, обуначига газета эндиликда вақтида етказиб берилаётганини маълум қилди.

Комиссия кўради

Бошқа бир хатда Собир Раҳимов район, Қорақамиш массивидаги 50-ЖЭК ходими Горбачева 35-уй 6-хонага ўзбошимчалик билан кирганини хабар қилган эди.

Район ижроия комитетидан маълум қилинишича, бу масала жамоатчилик асосидаги уй-жой комиссияси йиғилишида кўрилади.

Виговор берилди

Газетхон И. Тошматова Ленин районидаги 5-сабзавот магазинининг сотувчиси Б. Мажидовани савдо қоидасини бузганлиги ҳақида шикоят қилган эди.

Ленин район улгуржи савдо конторасидан хабар берилишича, совет савдоси қоидасини бузгани учун сотувчи Б. Мажидовага виговор эълон қилинган, хат коллектив ўртасида муҳокама этилган.

Қадимги ҳикоятлар

Дўстбозининг Мевалари

ҒИЙБАТНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

● Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир. Ғийбат оз бўлса-да, келтирадиган зарари денгиз каби бепоён.

Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, ёки бола-чақаси, хотини, ҳулқи, бойлиги ҳақида бемаза гаплар айтишнинг барчаси ғийбат ҳисобланади.

● Донолар айтадилар:

— Бирор киши олдингга келиб, биров ҳақида ғийбат гапларни гапирса, ундай одамга ишонма, чунки сени ҳам бировга ёмонлаб, устингдан, ғийбат қилиши мумкин.

● ҲИКОЯТ. Ҳасан Басрийга: «Бир киши сени ғийбат қилди?» деб айтдилар. Ҳасан дарҳол ғийбат қилган кишига бир товоқ хурмо юборди. У киши хурмони олгач, дарҳол Ҳасаннинг олдига келди ва унга:

— Мен сизни ғийбат қилган эдим, сиз эса хурмо юборипсиз, сабаби нима? —деб сўради.

Ҳасан унга:

— Сен менга яхшилик юборган экансан, мен эвазига хурмо юбордим!— деб жавоб берди.

Бундан маълум бўладики, ғийбат ғийбат қилинувчи учун тўғри йўл кўрсатиши мумкин, аммо ғийбат қилувчига зарар келтиради.

ЧАҚИМЧИЛИК ИЛЛАТИ ҲАҚИДА

● Чақимчи киши кишики, бирор ерда эшитган гапини дарҳол бошқа одамга бориб айтади, натижада икки одам орасида фитна тугдиради.

Покдил киши бировдан эшитган гапни бировга айтмайди, жимлик ва сукут йўлини ихтиёр этади. Агар унга биров гап ташиб келса, унинг гапига ишонмайди, чақимчига танбеҳ беради ва иккинчи марта бундай иш қилмасликка даъват этади.

● Бир олим айтади:

— Энг ёвуз ва ярамас одам шундай одамки, ўзгаларнинг айбини топишга интилади, гап ташиб, дўстларни бир-биридан жудо қилади.

● Ҳакимлар айтади:

— Эй одамлар, дўстлик ва меҳрибонлик ўгриларидан сақланинг. Бундай ўгриларга чақимчи ва игвогарлар киради. Ўгрилар мол ўгирласа, бундай кишилар одамлар орасидаги дўстликни, тинчликни, меҳру-муҳаббатни ўғирлаб, фитна-фасод кўзғатадилар.

● Ҳакимлар айтади:

— Уч хил кишига яхшилик қилиб бўлмайди. Биринчиси, дангаса кишилар бўлиб, улар экин ўсмайдиган тошлоқ ёки шўр ерга ўхшайди, қанчалик яхшилик уруғини экмагин, барибир кўкариб чиқмайди, яъни таъсир этмайди. Иккинчиси, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсанг, буни тушуниш ва раҳмат айтиш ўрнига, мендан қўрқанидан қиляпти, деб ўйлайди, улар янада тумшуғларини кўтариб, кўпроқ нарса талаб қиладилар. Яна бири ахмоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайди, унинг фарқига ҳам бормайди.

Оқил ва доно кишиларга яхшилик қилмоқ эса савоб ҳамда олий хислатдир.

МАҚТАШ ВА ЁМОНЛАШ ҲАҚИДА

● Агар бировни танқид қилсанг-у, танқиднинг таъсир этмаса, ёки бошқа бировни мақтасанг, мақтовинг уни тўғри йўлга етакламаса, билгинки, ундай одам тош ёки девор билан тенгдир.

● Олимлардан Ваҳоб айтади:

— Бировни сени ўзингда йўқ сифатлар билан мадҳ этса, ундай одамга ишонма, чунки ўша одам сенда йўқ ёмон сифатлар билан ўзга ерда сени ёмонлаши мумкин.

● Олимлардан бири айтади:

— Агар бирор кимсани унда йўқ яхши сифатлар билан мақтаса, бу мақтов эмас, балки ҳажв, яъни унинг устидан кулиш билан баробардир.

● Суқрот ҳакимдан:

— Айбсиз одам борми?— деб сўрадилар.

— Одам айбсиз бўлса, ўлмас эди!— деб жавоб берди.

● ҲИКОЯТ. Абу Тайиб ат-Тоҳирий дўсти Бани Сомонни тинимсиз ғийбат қилар эди. Бир куни Наср ибн Аҳмад деган киши унга:

— Қачонгача одам гўшти билан нон қўшиб ейсан?!— деди.

Абу Тайиб шу кундан бошлаб ғийбатни ташлади.

УЛУҒЛИК, ХОРЛИК, ХАСИСЛИК, ОЛИЙҲИММАТЛИЛИК ВА ҲИММАТИ ПАСТЛИК ҲАҚИДА

● Айтишларича, иззат ва улуғликнинг сабаблари бештадир, яъни мазкур бешта сифат кимда бўлса, у одам улуғлик ва иззат отига минади. Улар қуйидагилардир: Тўғри сўзлик, сирни яшира билиш, ваъдага вафо қилиш, насиҳатни қабул қилиш ва омонатга хиёнат қилмаслик.

● Арасту ҳаким айтади:

— Улуғликка эришмоқ ғоятда қийин, аммо хорлик ва забунликка тушиб қолиш жуда осон. Одамларнинг айбини қидирган кишиулуғлик даражасига эришолмайди.

Айтишларича, овқатига биров шерик бўлишдан қўрқиш, таом учун хасислик қилиш энг ярамас ва паст ҳиммат кишиларнинг ишидир.

● Арасту айтади:

— Ростлик йўлида ўлиш ёлғончи бўлиб узоқ яшашдан афзалроқдир!

Аммо, айтишларича, тўғри сўз ҳар нарсадан яхши, бироқ чақимчи ва ёлғончи кишидан эшитилган тўғри гап ҳам ёқимсиздир. Чунки уларнинг айтган тўғри сўзи ҳам ёлғон сўзлари каби одамлар орасида фисқ-фасод кўзғатади.

ЁЛҒОНЧИЛИК ҲАҚИДА

● Ибн Хатиб айтади:

— Ёлғончиликдан сақланинг, чунки ёлғончилик фитна-фасодга олиб келади, ростлик йўлини ихтиёр қилинг, барча эзгуликка етасиз!

● Бир Ҳаким айтади:

— Кимки ёлғончиликка ўрганган бўлса у бошқаларни ҳам ёлғончи деб гумон қилади!

• *Давр нафаси*


Чароғон шаҳар

Бўзсув гидроэлектр станцияси ишга туширилгунча учта иссиқлик электр станцияси пойтахт саноат корхоналарн ва муассасаларини ёритиб турар эди. Эски шаҳарда йигирма беш фонарь, янги шаҳарда эса эллик еттита фонарь бор эди. Кўчалар керосинли фонарлар билан ёритилар эди. 1924 йилга келиб улар сони икки юзга етди. Бўзсув гидроэлектр станцияси шаҳарни чароғон қилиб юборди. 1926—27 йилларда керосинли фонарлар ўрнига электр чироқлари пайдо бўлди. Фақат эски шаҳарда тўрт юзта электр чироқлари ўрнатилди, 1928 йилгакелиб эса улар сони олти юз элликтага етди.

(Архив материалидан).

Ҳозирги Тошкентни электр энергиясисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Юзлаб саноат корхоналари, қурилиш майдонларидаги қудратли механизмлар, метрополитен, транспортнинг кўплаб воситалари, муассаса ва бошқалар ишини бир дақиқа ҳам электрсиз тасаввур қилолмайсиз.

Фақат 1940 йилга нисбатан таққослаганимизда Тошкентда электр энергияси ишлаб чиқариш ўтган йили 40 мартадан зиёдроқ ошди. Ҳозир Тошкентда ҳар суткада ўртача бир миллион бир юз уч минг киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия ишлаб чиқариляпти.



Шаҳримизнинг Полторацкий кўчасида 160 квартирали улкан турар жой комплекси фойдаланишга топшириш учун тайёрланмоқда.

СУРАТДА: янги турар жой комплекси.

М. Нуриддинов фотоси.

Шанба оқшоми

Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

Уй тўйлари

2-Қорасув массивида 9 май— Ғалаба байрами арафасида бешта беш қаватли, 134-хонадонга мўлжалланган турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бу биноларни 1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳамшаҳарларимиз н з г а совға қилишди.

Ғафур Ғулом кўчасидаги юз хонадонга мўлжалланган иккита тўрт қаватли турар жой биноларида ҳам ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Бу уйларнинг айвонларига ром ўрнатилган бўлиб, ошхонасининг кенглиги ҳамшаҳарларимизга манзур бўлмоқда.

Парҳез таомлар ошхонаси

Трактор заводи ишчи ва хизматчилари учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда парҳез таомлари билан хўрандаларга хизмат кўрсатадиган янги, замонавий ошхона фойдаланишга топширилди. Кенг ва ёруғ ошхона завод ишчи-хизматчиларига жуда маъқул бўлди.

Ўз-ўзига хизмат магазини

Богдан Хмельницкий кўчасида жойлашган «Гипросельстрой» институти биносининг биринчи қаватида Фрунзе райпишчеторгига қарашли ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган янги озиқ-овқат магазини биринчи харидорларни қабул қилди. Магазининг савдо зали янги жиҳозларга бой бўлиб, 230 квадрат метрни ташкил этади. Бу ерда «Барчаси уй бекалари учун» бўлими ҳам ишлайди.

• КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ

Чиройли ва арзон

«Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасининг потогида аёлларнинг «Гвоздика» деб аталувчи янги рўмоли пайдо бўлди. Капрон материалидан тайёрланаётган бу рўмолга ранг-баранг гуллар босилган бўлиб, ундан аёлларимиз ёз ва куз фаслларида фойдаланишлари мумкин. Ҳажми 75х75 сантиметр бўлган бу рўмол фойдаланиш учун қулай, ихчам ҳамда чиройли. Унинг баҳоси 3 сўм. Коллектив май ойида ана шу янги маҳсулотдан 30 мингта ишлаб чиқаради.

Корхона мутахассислари ҳозир эшиклар учун портьера (парда) ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тайёргарлик ишларини олиб боришяпти.

Кинофестивалга атаб

Лейпцигда ўтказилган халқаро ярмаркада Олтин медалга сазовор бўлган «Оқ олтин» сервизи Тошкент чинисининг довруғини оламга ёйди. Бугунги кунда Ўзбекистон халқ рассоми Ёқуб Қорабоев безаган бу нафис чинни буюми комплекти Давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Ҳозирда фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар сони 14 тага етди. Чинисозлар май ойида Давлат Сифат белгиси билан 94 минг сўмлик чинни буюмлари тайёрлаб беришади. Бу ялпи маҳсулотнинг ўн процентини ташкил этади.

Айни кунларда завод аҳли Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг халқаро V кинофестивалига атаб совға чинни буюмларини ишлаб чиқаряпти. Чиннисозлар фестивалнинг очилишига қадар Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги улкан архитектура иншоотлари ва кўҳна тарихий обидалари акс этган 3 минг та лаган тайёрлаб беради.



СУРАТДА: Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган «Оқ олтин» сервизи.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• *Илмий изланиш*

Зилзилали районлар картаси

Ўзбекистоннинг оддий физик картасига ғалати эллипс чизиқлар туширилган. Уларнинг дам равон кетган, дам ўркач бўлиб чиққан чизиқлари қум ва тоғларнинг сариқ ва саргиш бўёқларини кесиб ўтиб, кўмкўк воҳалар ва дарё лар орқали ўтган. Ҳар бир эллипс ичида «6», «7», «8» рақамлари бор. Энг катта — 9 балли сейсмик хатарли жойларни кўрсатувчи сегмент ва яримдоиралар қора чизиқлар билан белгилаб қўйилган...

Республика сейсмик районларининг янги картаси шундай кўринади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сейсмология институтининг олимлари шу карта устидаги ишларни поёнига етказдилар. Чизиқ ва рақамлар ўнлаб кишиларнинг кўп йиллик тадқиқотларини ифодалайди. Буниси Ўзбекистон сейсмик картасининг учинчи вариантидир. Институт директори республика Фанлар академиясининг академиги Ғ. А. Мавлонов шу карта тўғонсида гапираётиб, «биринчи бор» сўзини тез-тез ишлатди.

— Янги карта, — деди олим.— сейсмология проблемаларининг тадқиқотларига комплекс ёрдамида ёндошиш якунидир. Геологик ва геофизик изланиш натижалари, химиклар, гидрологлар, геодезистларнинг кузатишлари назарда тутилди. Тадқиқотларда ҳозирги замон фани ихтиёримизга берган энг янги методлар, ютуқлар ва имкониятлардан кенг кўламда фойдаланилди. Натижада регионнинг аввалгисига қараганда анча аниқ сейсмик характеристикани бериш илгари мавжуд айрим тасаввурларни баъзида тубдан қайта кўриб чиқиш мумкин бўлди. Илк бор сейсмогензилзила ўчоқ зоналарини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлди. Геофизик ўзгаришлар, инженерлик-геологик шароитлар акс эттириладики, булар изланишларнинг амалий, тадбиқий қимматини оширади.

...Узоқ вақтларгача олимлар Қизилқумни қарийб носейсмик зона, ер бағри ғоятда осойишта район деб ҳисоблаб келган эдилар. Аммо бирдан кейинги йилларда қитъада энг кучли Газли зилзиласи рўй берди.

Хўш, бу зилзила қандай келиб чиқди? Кейинги тадқиқотлар чоғида, жумладан бундан ўн йил аввал, Қизилқумдаги нивелирлаш ишларида Ер пўстлоғининг вертикал силжиганлиги тўсатдан пайқалганлигини эслаб қолишди. Ўшанда бунга ортиқча аҳамият берилмаганди: уни приборлар хато кўрсатишидан келиб чиққан ёки кузатишлардаги ноаниқлик сабабидан бўлган деб қўя қолинган эди.

Холбуки, хатолик ҳам, ноаниқлик ҳам бўлмаганди. Қизилқумнинг ер бағри сейсмик Ўрта Осиё зонаси бошқа районларидан ҳеч ҳам осойишта эмас. Турон плитаси ер ости тўлқинларини сўндиради. Лекин у хавфсизликка батамом кафил бўлолмайди, унинг иҳота кувати чексиз эмас. Ер бағрининг энергияси йиғилиб бориб плитанинг улкан-улкан блокларини ғоят қаттиқ куч билан узади.

Олимлар чиқарган кейинги хулосалар шундай. Бу газлари янги картада акс этирилган бўлиб, Қизилқумда рўй бериши мумкин бўлган зилзилалар кучи «7» ва «8» рақамлари билан белгиланган. Буниси ҳам биринчи бор ёзилди.

— Бирон зилзилани олдиндан айтаолдикми? Йўқ айтолмадик. Лекин шу мақсадга яқинлашиб қолганлигимиз шубҳасиз. Жуда кўп материаллар йиғилди, зилзила даракчиларини тўғри излашга. Ер қобигида зилзила тайёрланиш қонуниятларини аниқлашга имкон берувчи янги-янги маълумотлар олинди.

Шу қонуниятлардан баъзилари аниқланди: зилзиладан олдинги даврда ва зилзила чоғида ер ости сувларининг химиявий ва газ составидаги ўзгаришлар, геомагнит ва электр майдонларидаги, ионосферадаги ўзгаришлар аниқланди...

— Гапнинг аниғини айтсак, биз биринчи силкинишни олдиндан айтиб бера олганимиз йўқ ва ҳозирча айтолмаймиз, — деди олим.— Ер пўстлоғининг тақрорий тебранишлари қачон ва қандай куч билан юз беришини прогноз қилиш тажрибаси бор. Лекин бу орқали масалани ҳал этиб беролмайди, албатта: биринчи силкиниш қачон бўлишини барвақт билиш, зилзиладан кишилар учун энг нохуш ва хатарли тасодиф факторини йўқ қилиш лозим. Бу борада ҳам ҳали кўп ишлар қилиш керак. Ҳар ҳолда айтиш мумкинки, биз бу борада чет эллик ҳамкасбларимиз да н, жумладан кўпдан бери шундай тадқиқотлар олиб бораётган Америка ва Япония олимларидан кўпроқ натижаларга эришя олдик.

Сейсморазв е д к а хизмати узлуксиз давом этади. Сезгир приборлар Ер қаърининг «томир уриши ва нафас олишини» тинглаб туради. Нивелирлар Ер юзининг вертикал силжишларини «холисона» қайд этиб боради. Ер юзининг само юлдузларига нисбатан горизонтал силжишлари ҳисобга олиб борилади. Тинчлик мақсадларидаги портлашлар тадқиқотчиларни қўшимча маълумотлар билан таъминлайди... Доимий ишлайдиган учта геодинамик полигон: Тошкент районида, Фарғона водийсида ва Қизилқум марказида барпо этилган полигонлар, бутун республикани ва унга ёндош территорияларни ўз ичига олувчи доимий муваққат сейсмик станциялар зилзила сирини очишда сейсмологларга ёрдам бериб турибди.

А. БАРАНОВ,
Ўзбекистон информация агентлигининг мухбири.

СУВ ЗАПАСИ ҚАНЧА?

Ер шарида қарийб бир ярим миллиард куб километр сув мавжуд. Шундан 90 проценти океанларда ва ўн проценти қитъаларда тўпланган.


Қитъалардаги сув асосан ер остида бўлиб, шу сувнинг тахминан ярмиси— 60 миллион куб километр ўнлаб ва юзлаб метр чуқурлиндадир. 50 миллион куб километр сув ер шарининг устки қатламида, бир неча метргина чуқурлик ва тупроқ таркибида тўпланган. Сувнинг 20 миллион куб километрга яқини муз ҳолида Антарктида, Гренландия, Шимолий муз океани оролларини ва тоғ чўққиларини қоплаб ётибди.

Сувнинг оз қисми (750 минг куб километри) кўлларда. Фақат минг куб километрга яқини муайян вақтда дарёларда оқади.

• *Дам олиш соатида*

ИХЧАМ КРОССВОРД

Ҳурматли оқшомхон дўстлар! Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур кроссвордни ихчам деб атадик. Бонси шундаки, унинг шакли ихчамлаштирилган, яширилган сўзлар ҳам бир-бири билан кўп жойда кесишади.



Бўйига: 1. Қаҳрамон шаҳар— РСФСР областларидан бирининг маркази. 2. Сўзловчининг ҳис-туйғусини, ички кечинмаларини ифодалайдиган талаффуз услуби. 3.Уйрўзғор анжомларидан бири. 4. Маълум чегаралар оралиғида жойлашган ёки маълум хусусиятлар билан ажаралиб турадиган территория. 5. Тил ва адабиёт ҳақидаги фанларнинг умумий номи. 8. Африка қитъасидаги энг узун дарё. 9. Бирор асарнинг айрим қисмини ташкил этган жилд. 11. Мажлис, суҳбат, концерт ва шу кабилар ўтказиладиган, кўпчиликка мўлжалланган катта хона. 12. Электр қуввати. 16. Француз ёзувчиси Александр Дюма ярагган «Уч мушкетёр» номли саргузашт романининг қаҳрамонларидан бири. 17. Менделеев даврий системасининг еттинчи группа элементи — ёқимсиз ҳидли, қизғиш-қўнғир суюқлик. 19. Ангара дарёсининг ўнг ирмоғи.

Энига: 3. Озиқ-овқат маҳсулотларидан бири. 6. Турли шоирларнинг танланган асарлари ёки бирор халқ поэзиясининг танланган намуналари тўплами. 7. Туркиянинг шарқидаги шўр кўл. 8. Бирор музика товушининг шартли ёзма белгиси. 10. Ҳайвонинг асосий қисмини ташкил қиладиган рангсиз, ҳидсиз газ. 13. Санъатнинг бир тури. 14. Тропик ва суптропик зоналарда ўсадиган, қалин, серсув, тиканли баргининг ширасидан турли дориворлар тайёрланадиган ўтсимон ўсимлик. 15. Перу, Боливия, Чили, Аргентинада ва Анд тоғларида тарқалган ўркачсиз, оёқлари ингичка, бўйни узун, кўзлари катта ҳайвон. 17. Юк кўтариш учун ишлатиладиган энг оддий қурилма. 18. Отиш машқлари ўтказиладиган жой. 20. Зоология фанининг итлар ҳақидаги бўлими. 21. Кўндаланг кесими узунлигига нисбатан жуда кичик бўлган металл буюм.

Тузувчи:
Ҳамидулла
АБДУЛЛАЕВ.

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

РЕДИСКА САЛАТИ

Сабзавот ва кўкларни истеъмол қилиш йўллари хилма-хил бўлиб, шулардан бири салатлар тайёрлаб тановул қилишдир. Салатлар ўсларининг ташқи кўринишн, ҳиди, сифат жиҳатидан мазали бўлиши, сўлак ҳамда иштаҳа очувчи меъда ширасининг зўр бериб ажралиши орқали иштаҳани қўзғатишга ёрдам беради. Унинг физиологик аҳамияти шундаки, меъда овқат қабул қилишга олдиндан тайёрланиб туради.

Редиска салатини тайёрлаш учун 3 бог редиска (350 грамм), 1 бог кўк пиёз (100 грамм), 100 грамм қатиқ ва 2 дона тухум ишлатилади, туз ва зираворлар эса талабга қараб сепилади. Редискадан тайёрланган салатнинг таркибида оқсил, углевод, минерал элементлар ва витаминлар, айниқса аскорбин кислотаси жуда кўп миқдорда сақланади.

Редискадан тайёрланган салат ўз таркибида бир қанча витаминларни тутиши жиҳатидан айниқса муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бу салат поливитамин хоссаларига эга бўлиб, овқатланишда жуда ҳам қимматли ҳисобланади. Бу салатда ўзгача хусусиятнинг намоёнлигини кўрамиз. Унинг таркибида витамин С нинг (аскорбин кислотанинг) миқдори 118.2 миллиграммни ташкил этади. Бу ҳажмдаги витамин миқдори икки кишининг аскорбин кислотасига бўлган суткалик эҳтиёжини бемалол қоплай олади. Демак, бу салат организм учун шифобахш ҳисобланади. Салатнинг бундай хусусияти, унинг таркибида витаминларнинг сақланишидан ташқари, талайгина микроэлементларга бой бўлиши билан ҳам белгиланади. Бу ҳаётий элементлар ўз навбатида организмдаги модда алмашинув фаолиятини маромлаштириб, суяк тўқималарини мустаҳкамлайди.

Б. РАСУЛОВ,
медицина фанлари кандидати.



— Кел, бирга ўйнаймиз.



— Энди енгилдингми, укажон?



— Сув сачратмай сузгин, дўстим. Ю. БОТИРОВ фотоэтюдлари.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Х. АҲРОРОВ: Шаҳримиздаги Свердлов номли театр биносида мемориал лавҳа ўрнатилган, бу кўҳна бино қандай тарихий воқеалар гувоҳи бўлган?

Жавоб: Свердлов номли театрда Туркистон Компартияси ва Туркистон республикаси Советларининг съездлари бўлиб ўтган.

Бу бино 1913 йили қурилган. Бу ерда партия ва давлатимизнинг содиқ фарзандлари М. Ф. Фрунзе ва В. В. Куйбишев бир неча бор нутқ сўзлаган эдилар. Бу ерда Г. К. Орджоникидзе раҳбарлигида 1922 йилда РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг пленуми биринчи мажлиси бўлди.

1924 йил 15 сентябрда эса Свердлов номли театр биносида Туркистон Марказий Ижроия Комитети Фавқулодда сессияси очилди. Бу сессия қабул қилган қарор халқимиз моддий ва маданий фаровонлигини оширишда, республикамизнинг янада гуллаб-яшнашида муҳим роль ўйнади.

* * *

Ҳ. ИСМОИЛОВ: Республикамизда дастлабки пахта териш машинаси қачон ва қаерда чиққан?

Жавоб: Республикамизда биринчи марта пахта териш машинаси бундан салкам 30 йил муқаддам — 1949 йилда ишлаб чиқарилган. Унинг маркаси номи «СХМ—48» эди. Бу вертикал шпинделли, бир қаторли терим агрегати Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводида тайёрланган эди. Ҳозир эса бу корхона тўрт қаторли «Ўзбекистон» маркали терим машиналарини кўплаб ишлаб чиқармоқда.

* * *

Х. БОЛТАБОЕВА: Гражданларга транспорт экспедицияси хизмати кўрсатиш бошқармасининг вазифаси нима?

Жавоб: Бу бошқарма фаолияти ранг-баранг. Асосий вазифаси кишилар оғирини енгил қилиш, уларга транспорт хизмати кўрсатишдир. Масалан, бошқарма коллективи гражданлар магазинидан харид қилган мебель, уйнинг бошқа жиҳозлари, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар, уй ҳайвонлари ва бошқаларни транспортда элтиб беради.

Бундан ташқари, келин-куёвлар учун маълум муддатга енгил машина ажратиши, шунингдек самолёт, поездлар учун билет келтириб бериши мумкин. Қисқаси, улар ҳамшаҳарларимизга катта қулайлик яратадилар.

Кўча тасодифларга тўла

ГАИ ахборотн

Бу воқеанинг содир бўлишига қуйидагилар сабаб бўлди. Биринчидан, Семашко номли институт директорининг ўринбосари Жўра Йўлдошев ўзининг «Москвич —412» маркали 88—71 ТНЛ номерли автомобилини кайф билан ҳайдади. Иккинчидан, атайлаб осиб қўйилган йўл белгиси остидан қондани бузиб, 2-Чимбой кўчасида ҳаракатга қарши борди. Учинчидан, 2-Чимбой ва Ниёзов кўчаларининг чорраҳасида светофорнинг тақиқловчи чироғи остида ўтиб, Р. Тошхўжаев бошқариб келаётган ГАЗ—24 11—02 ТНО номерли автомобиль билан тўқнашди.

Уларнинг бахтига иккала автомобиль ичида пассажирлар йўқ экан. Ҳайдовчилар сал-пал лат еди. Техника жиддий шикастланди.

Кўча ҳаракати қоидаларини бузиб, тўқнашувга сабабчи бўлгани учун Ж. Йўлдошев Давлат автоинспекцияси маъмурий комиссиясига юборилди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 МАЙ, 1978 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 «Зарядкага сафланинг!». 10.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг рус қўшиқлари академик хори куйлайди. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Биз — команда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.25 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Болалар фронтга отландилар». Бадиий фильм. 15.45 «Асл йигитлар». Ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг уруш ветеранлари билан учрашуви. 16.15 «Халқаро панорама». 16.45 «Театр спектакли». К. Симонов. «Шундай бўлаверади». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

19.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.45 «Санъат — солдатга». Телевизион музикали фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР —Швеция терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Дилли Далли қуёшли боғда». Болалар учун мультфильм. 10.20 «Қўшиқ сафда қолади». Концерт. 11.05 «Еш киноҳаваскорлар клуби» (рус.). 12.00 «Телевидение экранида биринчи марта». «Исмингни унутма». Бадиий фильм. 13.35 «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун самбо кураши бўйича X Бутуниттифоқ турнир. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 17.35 Кўрсатувлар программаси.

17.40 «Яшил эртак», «Қизча ва шер». Болалар учун мультфильмлар. 18.10 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.50 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ортиқ Отажонов куйлайди». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 Телевизион театр И. Авижюс. «Жудоликдаги йиллар». 3-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Лорда фақат ўғил болалар». 19.15 «Коммунизм қурилиши даврида эстетик маданиятнинг ривожланиши». Эстетикадан ўқув курсатуви. 19.55 Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 33 йиллигига. «Май юлдузлари». Бадиий фильм (рус.). 21.25 «Уруш ашик қоққанда». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).

9 МАЙ — СЕШАНБА
ҒАЛАБА БАЙРАМИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди». Мактаб ўқувчилари ижросида совет шоирларининг шеърлари. 10.25 Москва Кремли комендатурасининг намунали духовой оркестри чалади. 10.55 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР— Канада терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. 12.40 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 13.40 Болалар учун. «Уч кувноқ смена». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фильм. 14.45 «Бугун — ғалаба байрами». СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов сўзи. 15.00 Икки марта Қизил байроқли А. В. Александров номли Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти. 15.50 «Жасорат биографияси». Ҳужжатли фильм премьераси. 16.50 Л. Бетховен. «Кориолан» увертюраси. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри ижро этади.

17.05 «Ҳалоскорлик». Кино-эпопея. 4-фильм. «Берлин учун жанг». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Саженцы» болалар вокал-чолғу ансамблининг концерти. 18.50 «Ер юзида ҳаёт тантанаси учун». Шеърий композиция. 19.20 «Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир минутлик сукунат. 19.40 П. И. Чайковский. Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. 20.10 «Ҳалоскорлик». Киноэпопея. 5-фильм. «Сўнгги ҳужум». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Останкино концерт студиясида Ғалаба кунига бағишланган байрам концерти. 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Жангларда тобланган қўшиқ». Телевизион фильм-концерт. 11.15 «Тасвирий санъатда жангчилар образи». 11.55 «Телевидение экранида биринчи марта». «Тонгдан тонггача». Бадиий фильм. 13.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Салют, Ғалаба!». 16.55 Кўрсатувлар программаси.

17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм. 18.50 «Бугун — ғалаба куни». 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 Москва. «Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси». Бир минутлик сукунат. 19.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ғалаба нашидаси». Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Улуғ Ватан уруши ветеранлари учун концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 Телевизион театр. И. Авижюс. «Жудоликдаги йиллар». 4-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Берлин томон йўл». Бадиий фильм. 20.30 «Жанговар йиллар қўшиқлари». 21.00 Тошкент янгиликлари. 21.20 «Ҳамма нарса ғалаба учун». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

10 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «Тинчликнинг биринчи куни». Бадиий фильм. 11.40 «Ҳайвонот оламида». 15.35 «Трасса» Телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 «Ихтирочи». 16.45 «Бир киши ҳама учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

17.30 «Халқ оҳанглари». 17.50 «Жасорат». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Чехословакия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 33 йиллигига бағишланади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида — «Спортлото» тиражи. Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси 11.30 «Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Боши», «Дангарин кундалиги». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Чўян ва пўлат ишлаб чиқариш». Химиядан ўқув кўрсатуви. (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Вожатий» (рус). 18.30 «Фан» программаси. 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди ривожланган социализм экономикасининг бош масалалари тўғрисида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кечки концерт». Телевизион фильм-концерт. 20.00 «Наво» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Азиз асримизнинг азиз онлари». Ғ. Ғулом туғилган кунининг 75 йиллигига. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.15 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Гобой». Телевизион бадиий фильм. (рус.). 20.50 «Тошкент» телепрограммаси. «Пойтахт области далаларида». 21.20 «Ишчи эстафетаси». Ҳужжатли фильм. 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика.

11 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Инсон маъсулияти». Бадиий фильм. 11.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.40 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.25 А. Твардовский. «Василий Тёркин». 16.55 «Москваликларнинг ишчи кафолати». 17.25 «Қизил изтопарлар»нинг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Ф. Федоров билан учрашуви.

18.05 И. Гайдн. Виолончель ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. Ижро этадилар: П. И. Чайковский номли V Халқаро конкурс лауреати С. Балтоян (Болгария) ва Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри. Дирижёр — Қозоғистон ССР халқ артисти Ф. Мансуров. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Тинчлик учун кураш авангардида». 19.15 Белорус Давлат халқ хорининг концерти. 19.45 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Останкино концерт студиясида Р. Казакованинг ижодий кечаси. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «КПСС — совет халқининг раҳбар ва етакчи кучи». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Волга Ока дарёси билан учрашган ерда». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «КПСС — совет халқининг раҳбар ва етакчи кучи». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 Х. Х. Ниёзий. «Холисхон». Ю. Ражабий номли Жиззах область музикали драма театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Красноярь ёшлиги». Болалар учун фильм-концерт. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 «Зангори экран» почтаси». 19.15 «Ахборот». информацион программаси (рус.). 19.30 «Само ва ер оралиғида». Ҳужжатли фильм. 19.50 «Шеърият билан учрашув». Омон Мухтор. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдурайим Аҳмадий куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Иқтисодий билимлар — оммага». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Бегона хатлар». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Классик куй саҳифалари». 21.00 «Қизиқарли математика». 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

12 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Олға, болакайлар». 10.55 «Китнинг тишини қандай қилиб суғириб олиш мумкин». Телевизион бадиий фильм (ЧССР). 12.15 «Рус романси». Программада М. Глинка, П. Булахов, А. Гурилев асарлари. 15.30 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.30 Куйбишев педагогика институти академик хорининг концерти. 17.00 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун.

17.30 «Москва ва москваликлар». 18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Жаҳон халқларининг ижоди». 19.10 «Фан оламида». 19.40 «Граф Люксембург». Телевизион музикали спектакль (Ф. Легарь оперетгаси асосида). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Одам эволюциясининг этап ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Кама тўқувчилари», «Шахсий иш». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Одам эволюциясининг этап ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Касблар ҳақида хикоялар» (рус.). 13.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Май кувончлари». Адабий-музикали композиция.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Синюшканинг қудуги». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 18.45 «Есенин яна Тошкентда». Адабий кўрсатув (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мангу жилолар». Телевизион ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.40 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли иштирокида концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ғазал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. «Уч қитъа киносанъати». Кўрсатувни киношунос Саодат Хўжаева олиб боради. 2-кўрсатув (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «13 терак кўчаси». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Ўқитувчилар учун консультация. 21.05 «Тошкент ва тошкентликлар» (рус.). 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Сиёсий иқтисод.

13 МАЙ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Тонгги почта». Музикали программа. 10.05 «Диққат — йўл!». 10.35 «Мардлик». П. Бульбул ўғли ва Н. Добронравов қўшиқлари туркуми. 10.55 «Спортлото» тиражи. 11.05 «Здоровье» программасининг почтаси». 11.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб курсатилади. 13.45 «Музикали сайл». Олмаотадан олиб курсатилади. 14.25 «Ўзимизнинг ўлкамиз». Кинопрограмма. 15.25 Болалар учун. «Васёк Трубачев ва унинг ўртоқлари». Бадиий фильм. 16.45 «Мўжизасиз-мўъжизалар».

17.45 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «1978 йил қўшиқлари». 19.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1 ва 2-қисмлар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг якунловчи концерти. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 00.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 С. Сиёев. «Шаштингиздан қайтинг, хоним». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 11.00 Спорт кўрсатуви. 11.30 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Марайим Жалилов ижросида совет композиторларининг қўшиқлари. 12.10 «Телевидение экранида биринчи марта». «Футбол ҳақида сўз очманг». Бадиий фильм. 13.25 «Илҳом». Ижодкор ёшлар клуби. 14.05 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак» (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Мингта учқун». Болалар учун телефильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.45 «Ота-оналар университети». 19.15 «Ахборот». информацион программаси (рус). 19.30 «Актёрлар ва роллар». Ш. Азизова. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг солистлари Моҳичеҳра Нурмуҳамедова ва Ғуломжон Ёқубов ижро этади. 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пилла — бойлигимиз». 22.15 «Май табассуми». Катта байрам музикали программа. 1-қисм (1 Май кўрсатуви такрорланади). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Юлдузча». Октябрятлар учун программа. 19.05 Болалар учун фильм. 19.20 «Новости» информацион программаси. 19.35 Ешлар учун ҳарбий-спорт программаси. 20.35 «Ахбор» информацион программаси. 20.55 «Ватанпарвар». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Телетомошабинларининг талабларига биноан концерт. 22.45 «Май ойи эди». Бадиий фильм. (рус.). 00.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

14 МАЙ ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 9.55 Қалмиқ Давлат «Лола» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.20 «Ҳамма нарсани билишни истайман» Киножурнал. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Давлат Эрмитажи. 12.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Зое кетган вақт ҳақида эртак». Бадиий фильм. 1-қисм. 13.40 «Қишлоқ янгиликлари». 14.40 «Музикали киоск». 15.10 «Театр спектакли». М. Дьярфаш. «Уйғон ва қўшиқ айт». Москва сатира театрининг фильм спектакли. 16.55 «Халқаро панорама».

17.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Одамга ўхшашни истаган сичқон боласи ҳақида». Мультфильм. 19.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳаммамиз аҳил оиламиз». Музикали программа. 22.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Бепоён Ватаним менинг». «Саратов». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.35 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Комедия кечаси». 14.25 «Оилада кичкинтой бўлса». (рус.). 14.55 Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхоз «Қалдирғоч» ашула ва рақс халқ ансамбли ижро этади. 15.35 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Малишок» программаси. 18.30 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 «Ораста кийинайлик». 19.40 С. Сиёев. «Шаштингиздан қайтинг, хоним». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Икки киши». Бадиий фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Май табассуми». Катта байрам музикали программа. 2-қисм (1 Май кўрсатуви такрорланади). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 «Экран — болаларга». 17.25 «Йигитча». Телевизион фильм. 17.55 «Орэра». Эфирга чиқади». Фильм-концерт. 18.40 «Циркни севмай бўладими». Цирк намойиши. 19.25 «Петродворец». Телефильм. «Совет Иттифоқининг шаҳарлари» туркумидан. 19.45 Концерт. 20.05 «Ёзувчи ва ҳаёт» (қирғиз тилида). 21.05 «Гулдесте» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт информацион программаси. 22.00 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/V да **Концерт** (билетлар сотилган). 7/V да **Доктор Айболит** (12.00), **Пиковая дама** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 6/V да **Оқшомдан тушгача**, 7/V да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/V да **Гулбаҳор қани?** 7/V да **Шаҳзода ва етим қиз.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

6 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Қамал (катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кечқурун).

Туғилиш — «МОСКВА» (17, 20.00), ҲАМЗА номли (21.00), «НУКУС» (кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЧАЙКА» (18.30).

Томдан сакраш — «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқурун).

Мўйловли энага — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (18, 20, 21.30).

Қувонч қўрфази — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

7 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Қамал** (катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Туғилиш — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00), ҲАМЗА НОМЛИ (11, 13.30, 14, 16.30, 21.00), «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30).

Мўйловли энага, Томдан сакраш: — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Мўйловли энага — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ **номли** (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Қувонч қўрфази — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
9 МАЙ СОАТ 18.00 ДА
СССР биринчилиги учун
ОЛИЙ ЛИГАНИНГ
«ДИНАМО» (Тбилиси) —
«ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

6 МАЙ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Менинг азиз Ватаним». Болалар расмлари телевизион конкурсининг якуни. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Қизил байроқли Тинч океан флоти ашула ва рақс ансамблининг концерти. Бадиий раҳбар ва дирижёр — Е. Казановский. Владивостокдан олиб кўрсатилади. 19.10 Радио кунига. «Москва. Ҳақиқат ва тинчлик овози». 19.40 «Спортлото» тиражи. 19.50 «Балли, қизлар». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР—ЧССР терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Куни билан телевизор кўргин бойўғли». Болалар учун мультфильм. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун концерт. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Радио кунига бағишланган концерт. Алишер Навоий номли Ўзбек давлат катта академик опера ва балет театридан олиб кўрсатилади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ортиқ Отажонов куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Озуқа — чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим резерви». 22.30 Телевизион театр. И. Авижюс. Жудоликдаги йиллар». 1-қисм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Инқилоб радиоси». Ҳужжатли фильм. 18.15 «Ғунчахон санъат». Болалар учун концерт. 18.45 «Кинокамера» билан саёҳат». 19.30 «Новости» информацион программаси. 19.50 «Фан, техника, тараққиёт». 20.20 «Ахбор» информацион программаси. 20.40 Концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

7 МАЙ — ЯКШАНБА
РАДИО КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 «Буратино» кўргазмаси. 10.20 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.50 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.20 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 11.50 А. Тур. «Ойдин соната». М. Н. Ермолова номли Москва театрининг спектакли. 14.10 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Уч бақалоқ». Мультфильм. 16.00 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 16.40 «Ҳайвонот оламида».

17.40 «ГФР шаҳарлари». Кинопрограмма. 18.10 Информацион программа. Кўрсатув тугагач—К. Вебер ва Ф. Мендельсон асарларидан концерт. 19.35 Мультфильм. 19.55 Халқаро программа. 20.25 «Эркак ва аёллар». РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Миронова ва А. Менакер иштирокида фильм-концерт премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Дўстларимиз овози». Эстрада программаси. 00.05 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 Кичкинтойлар учун. «Бойчечак». 17.35 «Бугун—радио куни». «Фақат бир кун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 17.55 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.10 Москва. Информацион программа. 19.35 V халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. «Уч қитъа киносанъати». Кўрсатувни киношунос Саодат Хўжаева олиб боради. 1-кўрсатув (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Хабиба Охунова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 Телевизион театр. И. Авижюс. «Жудоликдаги йиллар». 2-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

14.15 Кўрсатувлар программаси. 14.20 Болалар учун. «Солдатча». 15.00 «Биз Руставидамиз». Телевизион фильм-концерт. 15.20 «Анатолий Папанов билан учрашув». Бадиий телефильм (рус.). 16.55 «Олдинда катта вазифалар». Қирғизистон ССР Алоқа министри В. Тюребоев сўзи. 17.10 «Қисқа тўлқинларда». Телевизион очерк. 17.30 Телевидение ва радио ходимларига бағишланган концерт. 18.10 Москва. Информацион программа. 19.35 Ч. Айтматов. «Момо ер». Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қирғиз Давлат академик драма театрининг спектакли. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8, 9 МАЙ СОАТ 19.30 да

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ, САТИРИК ЁЗУВЧИ
САИД АҲМАД
ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН
КУЛГИ ВА ТАРАННУМ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТЛАР СОВЕТИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ТЕЛЕМИНИАТЮРА ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИ
ВА
ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
БАХТИЁР ИХТИЁРОВ
ҲУСАН ШАРИПОВ, ШЕРҚЎЗИ ҒОЗИЕВ, АБДУФАТТОҲ САИДОВ

ХОНАНДАЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ШЕРМАТ ФАЙЗУЛЛАЕВ
ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ, ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ, ҲОТАМ ҲОЖИЕВ

РАҚҚОСАЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ
ҚАРИМА УЗОҚОВА
МОҲИЧЕҲРА НУРМУҲАМЕДОВА, РАЙҲОН АБДУЛЛАЕВА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОҲИДДИН ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЁР ИХТИЁРОВ ва ҲУСАН ШАРИПОВ олиб борадилар.

ПРОГРАММАДА: ИНТЕРМЕДИЯ, САТИРА, ЮМОР, ФЕЛЬЕТОН, ҚАТРА ХАНДАЛАР.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00дан сотилади.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

7 МАЙДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИГА БОРАДИГАН ПАССАЖИРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА **ДОИМИЙ ҚАТНАЙДИГАН АВТОБУСЛАР МАРШРУТИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ**

Ҳар куни Революция хиёбони автостанциясидан «РЕВОЛЮЦИЯ ХИЁБОНИ — ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ» маршрути бўйича автобуслар қатнайди.

АВТОБУСЛАР — эрталаб соат 7.00 дан бошлаб соат 21.25 минутгача 12 минут интервал билан қатнайдилар.

Шанба ва якшанба кунлари Чилонзор массивидан (Фарҳод бозори қаршисидаги майдондан) **«ЧИЛОНЗОР — ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ» маршрути бўйича автобуслар қатнайди.**

АВТОБУСЛАР эрталаб соат 7.00дан бошлаб соат 11.00гача 20 минут интервал билан қатнайди.

СОАТ 15.00дан БОШЛАБ ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИГА — ЧИЛОНЗОР МАССИВИГА ЭЛТИБ ҚЎЙИШ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АВТОТРЕСТИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Ўқувчилар қабул қилади

заргар, ички коммуникациялар бўйича слесарь-сантехник, мебелчи, чинни тайёрловчилар, чиннига гул солувчи, станокларни ремонт қилувчи слесарь.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синфни тамомлаган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб чиққанлар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШЛАЙДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: 700002, Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 40, 49, 76-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 06442. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1302.